

# **Сессия ишида мұхим масалалар мұхокама этилди.**



## **Сессия ишида мұхим масалалар мұхокама этилди.**

Бугун Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг ўттис биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни туман ҳокими, Халқ депутатлари туман Кенгashi раиси Эркин Алимов бошқариб борди.

Сессия ишида қуйидаги масалалар мұхокама қилинди:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини бажарилиши юзасидан туман ҳокимининг ҳисоботи тўғрисида.
2. Музработ тумани тибиёт бирлашмаси бошлиғининг аҳоли саломатлигини мухофаза қилиш борасидаги фаолияти бўйича ҳисоботи тўғрисида.
3. Банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш ва банк соҳасида рақобат мухитини яратиш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташабbusларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш, замомонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш оиласи тадбиркорлик дастурларини амалга оширишни тизимли давом эттириш тўғрисида тумандаги тижорат банклари раҳбарларининг ҳисоботи тўғрисида.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг тумандаги ижроси тўғрисида.
5. Мажбурий ижро бюроси Музработ туман бўлими бошлиғининг фаолияти бўйича олти ойлик ҳисоботи тўғрисида.
6. Музработ туманидаги умумтаълим мактабларида “вакант” бўлган директор лавозимиға номзодларни танлаб олиш ва тавсия этиш тўғрисида.

7. Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши ҳузуридаги “Нуронийлар” жамоатчилик назорати кенгаши фаолиятини ташкил этиш түғрисида.

Туман ҳокимининг қарор ва фармойишларини тасдиқлаш түғрисида.

Сессия якуни бўйича, кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан депутатларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари инобатга олинган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

